

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2023 йил 5 декабрь куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья Ф.Тураходжаев, судлов ҳайъати судьялари: О.Қличев ва О.Мухаммадиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Матёкубовнинг котиблигида, тарафлардан: Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акилов, судланувчи Н.И.О.нинг ҳимоячиси — адвокат Ж.Раджабовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 09.10.2023 йилдаги ҳукмига кўра,

Н.И.О., 16.03.1986 йилда Хоразм вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, Чилонзор тумани “Яккатут” МФЙ бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаган, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, [REDACTED] -хонадонда яшовчи, иш бўйича 10.05.2023 йилда “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 02.08.2023 йилдаги ажримига кўра, қидирув эълон қилинган, 29.08.2023 йилда ушланиб, суднинг ҳукмига қадар қамоқда сақланган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б, в” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилганга нисбатан чиқарилган ҳукм устидан адвокат Ж.Раджабов томонидан берилган апелляция шикоятига асосан 1-1012-2301/293-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суд ҳукмига кўра, Н.И.О.га ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б, в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилган ҳолда 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш



ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилган ҳолда, 3 йил 4 ой 18 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилган.

Судланувчи Н.И.О.дан “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали фойдасига 10.075.000 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н.И.О. 23.01.2022 йилдан 15.12.2022 йилга қадар Чилонзор тумани “Яккатут” МФЙда ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, таниши А.Федосеевга “Ҳар бир оила - тадбиркор” давлат дастури доирасида унинг номига банкдан кредит олиб, ушбу кредит эвазига ўйингоҳ ташкил қилиб, кредитни ўзи тўлашини, унга ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини, тушган даромаддан унга ҳам беришини айтиб, уни ишонтириб, даромад топишни унга таклиф қилган.

Шундан сўнг, у А.Федосеевнинг розилигисиз, унинг шахсига оид ҳужжатларини қўлга киритиб, “oila.kredit.uz” платформасига А.Федосеевнинг электрон рақамли имзо калитидан фойдаланган ҳолда унинг номидан ариза ва ўзининг номидан тавсиянома киритиб, аризада кўрсатилган манзилга бориб ўрганмасдан, гўёки ушбу манзилга бориб ўрганилганлиги ҳақида дастлаб сохта тавсиянома ва далолатнома қалбакилаштириб, кейинчалик ушбу тавсиянома ва далолатнома асосида 30.03.2022 йилда фуқаро А.Федосеев билан “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали ўртасида 33.000.000 сўм миқдорида пул маблағларини ажратиш юзасидан кредит шартномасини тузишга эришиб, кейинчалик ўзи топган таъминотчи ЯТТ “Қосимов Муҳаммадали Бешимбой ўғли” билан А.Федосеев ўртасида онлайн равишда 3 дона “SonyPlaystation 3” ҳамда 4 дона “Artel” телевизорларни харид қилиш юзасидан шартнома тузиб, етказиб берилган техника маҳсулотларини қабул қилиб олиб, дастлаб “Яккатут” МФЙнинг эски биносига ўйингоҳ фаолиятини ташкил қилиб, сўнгра Юнусобод туман ҳудудида жойлашган “Megaplanet” савдо маркази рўпарасидаги “Dior” савдо дўкони биносининг ертўла қисмидан жой ижарага олиб, фаолиятни маълум вақт давом эттириб, олинган даромаддан А.Федосеевга тақдим қилмасдан, топилган даромадни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юбориб, фуқаро А.Федосеев ҳамда “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали манфаатларига анча миқдорда зарар етказган.

Бундан ташқари, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Чилонзор тумани “Яккатут” МФЙда ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келиб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзига бириктирилган маҳаллада яшамайдиган фуқаро С.Зиёдуллаевнинг номига “Ҳар бир оила-тадбиркор” давлат дастури доирасида 33.000.000 сўм миқдорида кредит олиб, кейинчалик ушбу кредит маблағларини нақдлаштиришни мақсад қилиб, ўзининг жиноий шериги “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали БХМ бош менежери С.Артиков билан олдиндан тил бириктириб, С.Зиёдуллаевнинг номидан сохта ариза тузиб, аризада кўрсатилган манзилга бориб ўрганмасдан, гўёки ушбу манзилга бориб ўрганилганлиги ҳақида дастлаб сохта тавсиянома ва далолатнома қалбакилаштириб, ўзининг электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлаб, “oila.kredit.uz” платформасига жойлаштирган.



Шундан сўнг, жинойй шериги С.Артиков томонидан платформа орқали онлайн тарзда 01.11.2022 йилда “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали билан С.Зиёдуллаев ўртасида 33.000.000 сўм миқдорида пул маблағларини ажратиш юзасидан кредит шартномаси расмийлаштирилган. 02.11.2022 йилда платформа орқали таъминотчи “Хунjie Energy Star” МЧЖ билан С.Зиёдуллаев ўртасида 5 дона тикув машиналари харид қилиш бўйича тузилган шартномага асосан ушбу пул маблағларини амалда фуқаро С.Зиёдуллаевга ускуналар етказиб берилмаган бўлса-да, гўёки етказиб берилганлиги ҳақида сохта электрон ҳисоб-фактура расмийлаштириб, жамият ҳисоб рақамига ўтказилишига эришиб, жамият томонидан шартномага асосан ҳисоб рақамга келиб тушган 33.000.000 сўм миқдордаги пул маблағларидан 29.370.000 сўмини С.Артиков орқали фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, С.Артиков билан ўзаро тақсимланиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, фуқаро С.Зиёдуллаев ҳамда “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали манфаатларига анча миқдорда зарар етказганлар.

Ушбу жинойят иши бўйича С.Артиков жинойят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 29.08.2023 йилдаги ҳукми билан судланган.

Судланувчи Н.И.О.нинг ҳимоячиси — адвокат Ж.Раджабов апелляция шикоятда, Н.И.О.нинг жинойй ҳаракатлари ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ортиқча малакаланганлиги сабабли ушбу қисмини бекор қилиб, унинг ҳаракатларини ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б, в” бандларидан ушбу модда шу қисмининг “г” бандига қайта малакалаб, етказилган зарарнинг ўрни қопланганлигини инобатга олиб, енгил жазо қўллашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья О.Мухаммадиевнинг маърузасини, прокурор С.Акиловнинг етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қисман қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи Н.И.О.нинг ҳимоячиси — адвокат Ж.Раджабовнинг шикоят важларини қувватлаб, уларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жинойят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, ҳукми ўзгартириб, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан жинойят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Н.И.О.нинг жинойят содир этишдаги айби, биринчи инстанция судида сўралган жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларидан ташқари, жинойят иши ҳужжатларидаги “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиалининг 02.03.2023 йилдаги 6-1114-сонли хати, фуқаро С.Зиёдуллаевнинг аризаси, дастлабки тушунтириш хатлари, 20.02.2023 йилда “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали томонидан С.Зиёдуллаев ва А.Федосеев номига ажратилган кредитни мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган мониторинг далолатномалари, Қашқадарё вилоят ДСБ томонидан “Хунjie Energy Star”



МЧЖнинг жиноят иши доирасида молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш хулосаси ва далолатномаси, “Агробанк” АТБ томонидан ўтказилган хизмат текшируви юзасидан 25.04.2023 йилда тақдим этилган маълумотномаси, юзлаштириш баённомалари, “Анорбанк” АЖ томонидан 25.04.2023 йилда тақдим этилган 17/3/10181-сонли маълумотномаси, 522018-сонли кредит шартномаси, 857164-сонли шартнома, 857164/1-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Н.И.О.нинг жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б, в” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

“Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси Д.Алиевнинг 28.11.2023 йилдаги №05-4461-сонли маълумотномасига кўра, А.Федосеев номига расмийлаштирилган 33.000.000 сўм миқдоридаги кредит маблағи бўйича қарздорлик тўлиқ қопланганлиги билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси муҳокамасига келиб, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли, судланувчи Н.И.О.га айбланаётган моддалар санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан Н.И.О.нинг 29.08.2023 йилдан 09.10.2023 йилга қадар қамокда сақланганини инобатга олиб, қамокда сақланган ҳар бир кунини тайинланадиган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштириб, чегириб, узил-кесил ўташ учун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қолдиришни, ҳукмдан судланувчи Н.И.О.дан “Агробанк” АТБ Тошкент шаҳар филиали фойдасига 10.075.000 сўм ундириш қисмини чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497^{26,30,31}-моддаларига амал қилиб, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 09.10.2023 йилдаги **Н.И.О.га** нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

Н.И.О.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б, в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида, Н.И.О.нинг 29.08.2023 йилдан 09.10.2023 йилга қадар, жами 42 кун қамоқда сақланган ҳар бир кунини тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштириб, 126 кунни чегириб ташлаш йўли билан узил-кесил ўташ учун мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан 2 (икки) йил муддатга маҳрум қилиш ва иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 8 (саккиз) ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш унинг яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Жазо жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати, амалда иш бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмдан етказилган зарарни ундириш қисми чиқарилсин.

Иш бўйича етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) **Ф.Тураходжаев**

Судлов ҳайъати судьялари: (имзо) **О.Қличев**

(имзо) **О.Мухаммадиев**

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____ судья О.Мухаммадиев

